



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 47 (13.380)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН:

ЯҚИН ҚЎШНИЧИЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 6-7 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 6 март куни бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари аввал якка-якка, кейин икки мамлакатнинг кенгайтирилган таркибдаги расмий делегациялари иштирокида музокара ўтказдилар. Уларда савдо-иқтисодий, нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Қўшма баёнотни, Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Икки мамлакат вазирлик ва идоралар ўртасида иқтисодий, қишлоқ хўжалиги ва кимё sanoati, темир йўл транспорти, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни, худудларо алоқаларни ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов Туркманобод шаҳрига бордилар.

Ушбу шаҳар яқинида Амударёда қурилган Туркманобод-Фараб автомобиль ва темир йўл кўприklarининг танталани очилиш маросими бўлди.

Автомобиль кўпригининг узунлиги 1600, темир йўл кўпригининг узунлиги 1750 метр. Уларни қуришда туркменистонлик ва украинлик қурувчилар иштирок этган, Германия, Норвегия технологияларидан фойдаланилган.

Президентлар кўприklar олдидаги майдонда ташкил этилган Ўзбек ва туркман амалий санъати намуналари, ҳунармандлик маҳсулотлари кўргазмасини кўздан кечирдилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур кўприklar халқларимиз дўстлигининг тимсоли бўлиб, нафақат Туркменистон, балки бутун минтақа учун геостратегик аҳамиятга эга эканини қайд этди. Ўзбекистонда ҳам транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилаётгани, хусусан, ўтган йили қурилган Ангрэн – Поп темир йўли Марказий Осиёни Хитой билан темир йўл орқали боғлаганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон ва Туркменистон

темир йўллари ўзаро интеграциялашиб, қайта тикланаётган Буюк ипак йўлининг муҳим бўғинини ташкил этади, минтақа ривож ва халқларимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Президент Гурбангули Бердимухамедов Туркменистон транспорт ва транзит соҳаларини ривожлантириш бўйича ташаббусларни илгари сураётгани, ушбу кўприklar бу борадаги савб-ҳаракатларнинг амалий ифодаси эканини таъкидлади. Қурилиш ишларининг сифати ва аҳамиятини юқори баҳолаб, қурувчи ва пудратчиларга миннатдорлик билдирди.

Давлат раҳбарлари поездга ўтириб, кўприқдан ўтдилар. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов билан видолашув маросимида Гурбангули Бердимухамедов Туркменистонда Буюк Йўлбошчимиз хотираси абадийлаштирилишини таъкидлаган эди. Шу мақсадда Туркманобод шаҳридаги марказий кўчалардан бирига Ислоҳ Каримов номи берилди. Ушбу кўчада ёдгорлик мажмуаси барпо этилди ва Биринчи Президентимизнинг бюсти ўрнатилди. Мажмуада Ўзбекистон ва Туркменистон давлат байроқлари акс эттирилган. Уларнинг ёнидаги гранитда Ислоҳ Каримовнинг "Биз қадрлашимиз ва юксалтиришимиз зарур бўлган муҳим бойлик – бу мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишончдир" деган сўзлари Ўзбек ва туркман тилларида битилган.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов Буюк Йўлбошчимизнинг ушбу ўғитига амал қилиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ишонччи мустаҳкамлаб, ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантирмоқда.

Мазкур ёдгорликнинг очилиш маросими бўлди. Ислоҳ Каримов буюк сиёсатчи, улғу давлат арбоби, ўз халқини жонидан ортқ севган ватанпарвар инсон эди, деди Гурбангули Бердимухамедов. Ўзбекистоннинг янги ҳаётида дуч келган турли муаммо ва қийинчиликларни оқилона енгиб ўтди. Бутун минтақа тинчлиги ва ҳамкорлигига, жумладан, Ўзбекистон билан Туркменистон алоқалари ривожига улкан ҳисса қўшди. Ислоҳ Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш қараримиз эди. Бугун ушбу вазифани адо этар эканмиз, у кишининг меросини асрашимиз, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз зарур.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирганингиз учун чўқур миннатдорлик билдираимиз, деди Шавкат Мирзиёев. Ислоҳ Каримов буюк давлат арбоби, узоқни кўра оладиган доно сиёсатчи, замонамизнинг эркин, улғу шахсларидан эди. Мустиқиллигимиз асосчиси Ислоҳ Каримов Ўзбекистонда кучли давлат барпо этди, жамиятимизни демократия йўлидан изчил ривожлантирди. Шу билан бирга, бутун минтақамизда тинчлик, хавфсизлик ва аҳиллик муҳитини яратишга улкан ҳисса қўшди. Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида қарор топган алоқалар дўстлик, яхши қўшничилик муносабатларининг намунасига айланди.

Президентлар Ислоҳ Каримов ёдгорлик мажмуасига гуллар қўйдилар. Ислоҳ Каримов номидаги кўча бўйлаб сайр қилдилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон ҳукуматлари аъзолари, дипломатик корпус, кенг жамоатчилик вакиллари ҳам Биринчи Президентимиз ёдгорлиги пойига гуллар қўйди.

Туркманобод шаҳридаги "Рухият" саройида Ўзбекистон ва Туркменистон санъат усталарининг концерти намойиш этилди. Бу Ўзбек ва туркман халқларининг бири-бирига яқинлигини яққол намойён этди, мамлакатларимизнинг замонавий ва мумтоз санъати билан кенг танишиш учун қулай имконият бўлди.

Сарой фойсесида Ўзбек ва туркман халқ амалий санъати буюмлари намойиш этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга давлат ташрифи якунига этди.

Туркманобод аэропортида Ўзбекистон Президентини Туркменистон Президенти қузатиб қўйди.

Президентимизнинг Туркменистонга ташрифи ва унинг доирасида имзоланган ҳужжатлар, бўлиб ўтган маданий тадбирлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик яхши қўшничилик ва қардошлик тамойиллари асосида ривожланиб бораётганини яққол намойён этди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА махсус мухбири

Тошкент – Ашхобод – Туркманобод – Тошкент.

XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон "Миллий тикла-ниш" демократик партияси Бухоро вилояти кенгаши томонидан "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси – фаолиятимиз дастури" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

• Фарғонада 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган "Обод юртнинг бахтли қизлари" шиори остида ёшлар сайли бўлиб ўтди. Фарғона вилояти ҳокимлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талаба-ёшлари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

• Сирдарё вилояти ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими томонидан 100 ёшдан ошган онахонлар ҳолидан хабар олиниб, совғалар топширилди.

• Нукус шаҳридаги умумтаълим ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Ёш кутқарувчи" мусобақаси ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Маданият вазирликлари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташаббуси билан ўтказилган мусобақада 17 жамоа иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Альп тоғларининг Францияга тегишли қисмидаги курортлардан бирида кучли қор кўчкиси рўй берган пайтда бир киши қор остида қолиб ҳалок бўлди. Умуман, бу йилги чанги учиб мавсуми бошлангандан буён Альп ва Пиреней тоғларида жами 14 марта қор кўчкиси юзага келиб, етти кишининг ҳаётига зомин бўлди.

• Америкалик парҳезшунослар дон ва улардан тайёрланган маҳсулотлар озишга ёрдам бериши ҳақида маълум қилишди. Уларнинг фикрича, соғлиқ учун энг фойдали донлар — кепакли, яъни қайта ишланмаган донлардир. Улар тана вазнини камайтириб, юрак-қон томир тизими касалликларининг ривожланиш хавфини камайтиради. Шу боис кепакли ун, сули ёрмаси ва жигарранг гуручдан тайёрланган маҳсулотларни кундалик рационга киритиш тавсия этилди.

• Германиянинг машҳур "Фольсваген" автомобилсозлик компанияси Швейцариянинг Женева шаҳрида бугундан бошланадиган халқаро автосалонда ўзининг электр қувватида ишлайдиган тўрт кишига мўлжалланган ўзиюрар автомобилни намойиш этмоқда. Автосалондан бундан бошқа энг сўнги техник янгиликлар қўлланилган кўплаб автомашиналар ҳам ўрин олган.

Туризм иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг асосий омилларидан. Мазкур соҳа иқтисодийнинг муҳим таркибий қисми сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида муҳим ўрин тутади: қўшимча иш ўринлари яратилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, миллат фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади, иқтисодий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган қатор тармоқлари, инфратузилманинг ривожланишига туртки беради. Ушбу омиллар ўз-ўзидан соҳа ривожига илғор давлатлар тажрибаларини ўрганиш, амалиётга татбиқ этишни тақозо этади.

ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Пойтахтимиздаги "City Palace" меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Туризм соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш республика маркази, Корея Республикаси Маданият, спорт ва туризм вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Миллий туризм ташкилоти томонидан ташкил этилган "Туризм сиёсати амалиёти" мавзусида семинарда Ўзбекистоннинг сайёҳлик имконияти, Жанубий Кореянинг бу соҳадаги тажрибаси хусусида сўз борди.

Тадбирда икки мамлакатнинг туризм соҳасидаги етмишдан ортқ давлат ва хусусий ташкилотлари вакиллари, тегишли олий таълим даргоҳлари ўқитувчи ва талабалари иштирок этди. Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар қатори сайёҳлик йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, соҳада амалга оширилаётган қатор қўшма лойиҳалар ўз самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

"Жанубий Корея сайёҳлик тажрибасини ўрганиш" тренинги доирасида ўтказилаётган турли тадбирлар икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси делегацияси 2016 йилнинг 21 ноябрь – 2 декабрь кунлари Жанубий корейлик экспертлар билан биргаликда туризм соҳасидаги ҳамкорликни барча йўналишларда янада фаоллаштириш бўйича тажриба алмашди.

– Мазкур семинар 2016 йили ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликда ташкил этилган тренингни манжий давоми бўлди, – деди Корея Республикаси Миллий туризм ташкилоти директори ўринбосари Чои Сеок Бум. – Тадбирдан қўзланган мақсад ўзаро тажриба алмашиш, соҳага янги метод ва технологияларни жалб қилиш, сайёҳлар оқимини кўпайтиришдан иборат. Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва имкониятини юқори баҳолаймиз. Туризмга қаратилаётган алоҳида эътибор, яратилаётган шарт-шароит, махсус семинар-тренинглр мамлакатимизда мазкур соҳанинг янада тараққий этишига хизмат қилади.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизнинг туризм салоҳияти, соҳага оид қонунчилик тизими ва илғор тажрибаларни амалиётга кенг жорий этиш лозимлигини қайд этди. Бунинг учун сайёҳлик йўналишида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро амалий ташрифларни янада фаоллаштириш, икки мамлакатнинг туризм соҳасидаги салоҳияти ва имкониятлари билан яқиндан танишиш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Анжуманда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришнинг долзарб масалалари, ўзаро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Корея Республикасининг Кёнхи ва Сежон университетлари профессор-ўқитувчиларининг маърузалари тингланди.

Семинар доирасида ҳужжатли фильмлар намойиш этилди, тақдимотлар, маҳорат дарслари, давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ўтказилди.

Севара АЛИЖОНОВА

БАНК ХОДИМЛАРИ ҲАРАКАТ СТРАТЕГИЯСINI ЎРГАНМОҚДА

"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада**

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича долзарб вазифаларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

"Қишлоқ қурилиш банк" тижорат банки раисининг биринчи ўринбосари А.Эшонкулов, Ўзбекистон Фарлар академияси академиклари А.Асқаров, Р.Мўминов, С.Ғуломов ва бошқалар ушбу фармон иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилашда янги босқични бошлаб берганини алоҳида таъкидлади.

Беш йилга мўлжалланган мазкур тарихий аҳамиятга эга ҳужжатнинг учинчи йўналишида хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоялашни таъминлаш, барча турдаги тўсиқлар ҳамда чеклашларни бартараф этиш, ишбилармонликни ривожлантиришга тўлиқ эркинлик беришга алоҳида аҳамият қаратилгани эътиборга молик. Банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ва фаол диверсификация қилиш, молия-банк соҳасини ислоҳ этиш, хусусан, миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича кўзда тутилган чора-тадбирлар бу борадаги илоҳотлар изчиллигига хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

МАЪНАВИЙ ТАРҒИБОТ — ДОЛЗАРЪ ВАЗИФА

Ижтимоий аҳамиятта молик бинолар пештоқида, марказий кўчалар, гавжум жойларда баннерлар, шиорлар, плакат ва фотосуратларга ҳар куни кўзимиз тушади.

Уларда эзгулик, бунёдкорлик ва яратувчилик қаровчи ҳикматлар, озода бод Ватанимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз манзаралари, фидокорона меҳнати, ташаббускорлиги билан ёшларга ўрнак бўлаётган замондош қаҳрамонларимиз сиймослари акс этган. Туну кун беминнат хизматда бўлувчи бу каби ташки тарғибот кўрғазмалари воситаларини яратиб эса жиддий вази-фа.

Республика Маънавий тарғибот маркази томонидан "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази, Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилда тасвирий восита-лар орқали маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларида қўлланиладиган матнлар, кайдлар, ҳикматли сўзлар, халқ мақоллари ва шиорлардан иборат "Инсон манфаатлари ҳамма нарасидан устуни" деб номланган қўлланманинг тақдими ўтказилди.

Республика Маънавий тарғибот маркази раҳбари вази-фасини баҳарувчи Н.Қосимов, Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси

бошқаруви раиси И.Латипов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н.Мухаммадиев ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг янги тараққиёт босқичида белгилаб берган устувор вази-фалардан келиб чиқиб, ёшларимизни гаразли кучлар таъсиридан асраш, тинч-лик-осойишталикни таъминлаш, одамлар ўртасида меҳр-оқибат муҳитини кучайтириш борасида олиб борилаётган тарғибот ишларини янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади. Бу жараён тасвирий воситалардан кенг фойдаланиш, шу билан бирга замон руҳини чуқур англаган, инсонлар қалбига йўл топа оладиган тарғиботчиларни тайёрлашни ҳам талаб этади.

Тадбирда ташкилотлар билан ҳамкорликда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, бу йўналишдаги ижтимоий ҳамкорлик қўлимини кенгайтириш юзасидан ижтимоий-маърифий лойиҳалар, анжуманлар, мулоқотлар, давра суҳбатларини мунтазам ташкил этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Малоҳат ХУСАНОВА,
ЎзА муҳбири

Мамлакатимизда оилавий корхоналар сони кун сайин кўпаймоқда. Бунда давлатимизнинг тадбиркорлик ва ишбилармонликка қаратаётган жиддий эътибори, кўрсатаётган ғамхўрлиги асосий омил бўлмоқда.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКДА ИМТИЁЗ ВА РАҒБАТ

— Анча йиллар давомида тадбиркор бўлишни, ўз хусусий ишлаб чиқаришимизни ташкил этишни орозу қилганмиз, — дейди пойтахтимиздаги "Евростартап" оилавий корхонасининг директор ўринбосари Еркин Маликов. — Аммо айрим дўстларим, таниш-билишларимдан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бирмунча сарсон бўлишим мумкинлигини эшитиб, бу ишга ботинмай турардим. 2012 йилда "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун билан танишган, орози-мизни амалга оширишга катъий аҳд қилдим. Чунки унда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдан бошлаб, фаолият юритаётган даври давомида ҳам тадбиркорга қатор қўлайликлар, имконият ва имтиёзлар берилиши қайд этилган эди.

Олмасор туманида ташкил этилган оилавий корхона аввалга ўта иш ўрни яратиш, кишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермерлар учун сув насослари етказиб бериш борасида фаолият юритди. Махсулотга талаб юқорилиги ва мулкдорларга энгиллик яратиш мақсадида Фарона, Сирдарё вилоятларида филиал ташкил этилди. Соатига 10 тоннадан 160 тоннагача сувни 250 метр-

гача бўлган чуқурликдан тортиб берувчи насосларнинг 45 хили мавжуд.

Айни вақтда эса мазкур оилавий корхона Беларуссиялик ҳамкорлари билан Ўзбекистонда сув насослари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида янги лойиҳани амалга оширмоқда. Ҳокимият томонидан ажратиб берилган 7 гектарда барпо этилган корхона ишга тушса яна 25 иш ўрни очилади. — Мазкур маблағлар оилавий корхона тасарруфига келиб тушадиган фойдага солиқ тўлашдан озода қилинган эвазига йилгилан, — дейди Е.Маликов. — Шунингдек, биз турар жойдан бир вақтнинг ўзига истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда коммунал хизматлар (электр энергияси, газ, сув, иссиқлик таъминоти ва канализация) ҳақини тўлаш аҳоли учун назарда тутилган таърифлар буйича умумий асосларда амалга оширилади. Энди ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида янги бино қуриши бошланди. Унга қадар сув насосларини ўрнатишга мўлжалланган эътиб қисмларни ўзимизда тайёрлашни йўлга қўйган эдик.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кичик тадбиркорлик субъектлари истеъмол талабларининг ўзгаришига ҳаммадан тез мослашади, иқтисодий вазиятларнинг тебранишларига мувофиқ тарзда ўз фаолиятини тез ва асосатиз ўзгартира олади. Улар ўз фаолиятини ташкил қилиш учун кам маблағ сарфлайди ва уларнинг иқтидорига озу тутуши жамият учун жиддий салбий оқибатларни келтириб чиқармайди. Еркин Маликов фаолият юритаётган оилавий корхона кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини куриштиш ва экспорт қилиш лойиҳасини ҳам бошлаб қўйган. У тўлиқ қувватларда ишга тушса, 40дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Ҳа, тадбиркор даромади ҳисобидан нафақат ўз оиласи фаровонлигини оширмоқда, балки ҳудудга sanoatни олиб кириш билан хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Мукатасар айтганда, оилавий корхоналарнинг ташкил этилиши аҳоли бандлигини таъминлаш, оилавар даромадини юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Зиёда ВОҲИДОВА

Аввал хабар берганимиздек, ҳаракатланиш хавфсизлиги йўналишидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Тошкент шаҳридаги 115 та чорраҳага видео кузатув мосламалари ўрнатилган эди. Янги тизим онлайн тизимида иш бошлаган ва биз ушбу техник мосламалар тўлиқ фаолият бошлаб, жарима қилиш механизми ишга туширилган олдин бу ҳақда алоҳида хабар беришни айтган эдик. Мана ўша кун ҳам етиб келди. Шу йилнинг 15 март кунидан эътиборан ушбу видеокамералар томонидан қайд этилган қондабузарликлар учун ҳайдовчиларни жаримага тортиш механизми синов тариқасида ишга туширилади. Биз ана шу янгилик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙҲХББ бошлиғи, полковник Холматжон Аҳмедович САЙДАЛИЕВ билан суҳбатлашдик.

— Холматжон Аҳмедович, тизимнинг синов тариқасида ишга туширилишининг сабаби нимада ва ушбу янгиликни жорий этишдан қўзғалган асосий мақсадлар ва тизимнинг самарадорлиги тўғрисида гапириб ўтсангиз.

— Синов тариқасида ишга туширилишининг сабаби шундаки, бу янгилик бизда илк бор қўлланилаётган. 15 март кунидан бошлаб қондабузарликлар учун жарима солиш тўғрисидаги қарор транспорт воситасининг мулкдорига жўнатилаверади. Айнан мана шу иш жараёнида тизимдаги техник каларнинг ишланиши назорат қилиб оламиз. Юзага келадиган муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрамыз. Шу сабабли ҳам синов тариқасида, деб айтайлапти. Жорий этилаётган янгиликнинг асосий мақсадида келасак бу Тошкент шаҳри кўчаларида йўл ҳаракати хавфсизлигини замонавий технологиялар ёрдамида таъминлашдан иборатдир. Шунингдек, ушбу янгилик йўл ҳаракати катнашчиларининг йўл-транспорт ҳодисаларидан ҳимояланганлик даражасини ошириш, пойтахт кўчаларининг юқори ҳаракат жадаллиги шароитида йўл ҳаракатини назорат қилиш, қондабузарликларни автоматик тарзда аниқлаш, қайд этиш ҳамда профилактика қилиш ишларини такомиллаштиришга қаратилган. Бунинг учун назорат қилинадиган ҳар бир объект янги чорраҳа ҳаракатини назорат қилувчи, қондабузарликларни автоматик тарзда аниқловчи замонавий техник воситалар, интеллектуал детекторлар, контроллерлар, видеокамералар билан жиҳозланди.

Чорраҳалардан олинган барча маълумотлар Марказий диспетчерлик хизматига узилади ва бу ердаги электрон табло ҳамда видеомониторларга чиқарилади.

Тизимга киритилган чорраҳалардаги светофорлар ҳам детекторлардан ҳаракат оқими тўғрисида олинган маълумотларни қайта ишлаш орқали автоматик тарзда бошқарилади.

Шунингдек, светофорлар иш фаолиятини оптималлаштириш натижасида йўлларнинг ўтказувчанлиги қобилияти оширилади. Натижада транспорт воситаларининг чорраҳалар олдида тўхтаб туришини 20-25 фоизга, транспорт воситалари двигателлари-дан чиқаётган захарли газларнинг 5-10 фоизга, ёнлиги сарфини 5-15 фоизга камайтириш ҳисобида шаҳардаги экологик ҳолат анча яхшиланади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш зарурки, чорраҳалардаги вазиятни масофадан узуқусли кузатиб бориш учун видеокамералар ҳамда фуқаролар учун махсус хизматларни, жумладан ички ишлар, тез тиббий ёрдам, ёнган хавфсизлиги хизматларини қақариш учун махсус воситалар ўрнатилди.

— Айтинчи, қонун билан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни киритилишдан қўзғалган мақсад нима?

— Киритилган ўзгаришлардан қўзланган асосий мақсад транспорт воситаси ҳайдовчиларининг масъулиятини ошириш, автомобиль йўлларида ҳуқуқбузарликлар ва йўл-транспорт ҳодисаларини олдинчи олиш, кўчаларимизда юзага келаётган тирбандликларни бартараф этиш ва энг муҳими йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

— 2015 йил 10 август кунини қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга қандай қўшимча ва ўзгаришлар киритилди?

— Ушбу Қонунга қўра Маъмурий жавоб-

гарлик тўғрисидаги кодекс 2 та янги модда билан тўлдирилди ҳамда 13 та моддага қўшимча ва ўзгаришлар киритилди.

— Кодексга киритилган 2 та янги моддалар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Тўлдирилганнинг биринчиси бу Кодекс 17-модда билан тўлдирилди. Ушбу модда махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги ҳақида. Демак, унга қўра, махсус техника воситалари орқали йўл ҳаракати қондалари бузилганлик ҳолати қайд этилганда, маъмурий жавобгарликка транспорт воситасининг мулкдори тортилиши белгиланган. Шунингдек, юридик ҳолатда тегишли транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган йўл ҳаракати қондалари бузилганлиги махсус техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка юридик шахнинг транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул бўлган шахси тортилиши белгиланган бўлади.

Иккинчи янгилик бу кодексга киритилган 309-модда. Бу модда фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қондабузарликларига

лар сонини сезиларли даражада камайтиришга сабаб бўлади. Ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш самарадорлиги ортади. Ўз-ўзидан йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ҳам камайтиб боради.

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгаришлар нималардан иборат? Уларнинг энг асосийлари тўғрисида ҳам гапириб ўтсангиз.

— Кодекснинг 127-моддаси иккинчи қисмининг диспозициясига киритилган ўзгаришларга қўра, давлат рақам белгиларини қуриш имкониятини чеқлайдиган, уларни англашга тўқунлик қиладиган турли ашёлар ўрнатиш ва қоплама суртиш ҳам маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлиши белгиланган бўлади. Шуни ҳам айтиш лозимки, шундай ҳолатлар аниқланганда Кодекснинг 291-моддасига асосан транспорт воситаси вақтинчалик жарима маълумотида қўйилади. Ишни қуриб чиқиш жараёнида бундай қурилмалар мусодара қилиниб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараварига эса уч бараваридан беш бараварига миқдорда жарима солинади.

Қонун тарғиботи КАМЕРАЛАР ХАВФСИЗЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

нисбатан жарима солиш тартибини белгилайди. 309-моддага қўра, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қондабузарлиги буйича жарима солиш тўғрисидаги қарор маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсининг ишторисиз чиқарилади. Жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг қўрама нусхаси фото ва видео қайд этиш техника воситалардан олинган материалларни илова қилган ҳолда қарор чиқарилган кундан эътиборан уч кун ичида бюртомга почта жўна-маси орқали ҳуқуқбузарга юборилади.

— Агар ўша қондабузарлик содир этилган вақтда транспорт воситасининг эгаси уни ҳайдамаган бўлсаки? Ахир ишончнома билан бошқа бир одам ҳам ҳайдаган бўлиши мумкинку, тўғримами?

— Тўғри. Қонунда масаланинг бу томони ҳам инобатга олинган. Агар маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор устидан берилган шикоятни қуриб чиқиш жараёнида тегишли транспорт воситасига ҳуқуқбузарлик қайд этилган пайтда эгалик қилган шахс аниқланса ёхуд мазкур транспорт воситаси бошқа шахсларнинг қуриш-хуқуқий хатти-ҳаракатлари натижасида транспорт воситаси мулкдорининг эгалигидан чиқиб кетганини аниқланса, транспорт воситасининг мулкдори ўзига тегишли транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган йўл ҳаракати қондабузарлиги учун маъмурий жавобгарликдан озода этилади. Бу қондабузарликларнинг олдинчи олишда жуда ҳам муҳим. Сабаби эндиликда мулкдор ҳам ҳайдовчини қондабузарлик қўрамаликка қақариб, қондаларга амал қилиш зарурлигини эслабди туради. Айниқса, бир-неча транспорт воситаларини ижара шартномаси асосида ёки ишонч қозғоғи билан бошқаришга берган мулкдорларнинг масъулияти ошади. Уларнинг ўзлари ҳам қондабузарликларга қарши кураш бошлашади. Ҳайдовчиларини доимий назорат қилишади. Шунинг ўзи ҳам қондабузарлик-

— Қоплама суртиш деганда нима назарда тутилган?

— Бу ўзгаришни махсус техник воситалардан фойдаланаётган қўлаб давлатларнинг тақрибасидан фойдаланган ҳолда киритилди. Уларнинг тақрибасини ўрганиш жараёнида айрим ҳайдовчилар қондабузарлик учун жазодан қочиб мақсадида давлат рақам белгиларининг устига турли хил полизтилен ашёларни ёпиштириши ёки ҳар хил қимёвий воситаларни суртиб олиши, ҳар хил чипли қурилмаларни ўрнатишини қуриди. Ана шундай ҳолат бизда ҳам содир бўлмаслиги учун кодексга шу ўзгариш киритилди.

— Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалардан олинган маълумотлар далил сифатида ўтадимми?

— Ҳа, албатта. Кодекснинг 276-моддасига киритилган ўзгаришда айнан шу мавзу қўра тутилган. Унга мувофиқ автоматлаштирилган тизим орқали олинган маълумотлар маъмурий иш буйича далил сифатида қабул қилиниши белгиланган бўлади. Шунингдек, ҳужжатлар электрон шаклда расмийлаштирилиши сабабли махсус қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий баённома тўзилмаслиги ҳақида ҳам Кодекснинг 283-моддаси тўртинчи қисм билан тўлдирилди.

— Маъмурий жазо қўллаш муддатлари қандай бўлади?

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 36-моддасига киритилган ўзгаришларга қўра, маъмурий жазо қўллаш муддатлари икки ойдан бир йилга узайтирилди. Бундан ташқари, Кодекснинг 332-моддаси иккинчи қисм билан тўлдирилди, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун содир бўлган жаримани ҳуқуқбузар жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб 60 кундан чеқкирмай, бундай қарор хусусида шикоят бе-

рилган ёки протест билдирилган тақдирда эса, шикоят ёки протест қанотлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан эътиборан ўттиз кундан чеқкирмай тўлаши лозимлиги ҳақидаги норма белгилаб берилди.

— Агар қондабузар кўрсатилган ушбу муддатларда ҳам жаримани тўламаसा унда нисбатан қандай чора қўрилади?

— Шундай ҳолатлар назарда тутилган ҳолда Кодекснинг 291-моддасининг иккинчи қисми тўлдирилди. Унга қўра, жарима солиш тўғрисида қарор чиқарган ваколатли орган раҳбари жарима солиш ҳақидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан олти-миш кун ўтган, жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси юзасидан иш юритиш тўғрисида қарор транспорт воситасини вақтинчалик жарима маълумотида ушлаб туриш тўғрисида ёзма кўрсатма бериши ҳақидаги қанда белгиланган бўлади.

— Агар маълум бир сабабларга қўра қарор бекор қилинса, унда қандай йўл тутилади?

— Айнан шу мазмунда Кодекснинг 321-моддаси учинчи қисм билан тўлдирилди, яъни махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қондалари бузилганлиги буйича иш янгидан қуриб чиқиш учун юборилиб, қарор бекор қилинган тақдирда, мазкур иш маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан у илгари содир этган ҳуқуқбузарликларнинг тақрибасини инобатга олган ҳолда умумий асосларда қуриб чиқилиши лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

— Маълумки, жарималар қондабузарликларнинг тақрибасини қараб белгилаб эди. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қондабузарликларига ҳам шу тарзда чора қўриладими?

— Қонун қабул қилинганга қадар транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белги-ланган ҳаракат тегилини соатига 40 километрдан ортиқ катталиқда ошириб юборишлари аниқланган тақдирда маъмурий иш ваколат доирасида қуриб чиқиш учун суд идораларига юборилиши лозим эди. Эндиликда бу турдаги ҳуқуқбузарлик алоҳида 1283-модданнинг 3-қисми қилиб ажратилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари миқдорда жарима солиниши белгиланди ва чора қуриш ваколати ДИХХХ мансабдор шахсларига берилди, учинчи ва тўртинчи қисмлар мавзусида тўртинчи ва бешинчи қисмлар деб ҳисобланиб, суд идоралари ваколати доирасида қуриб чиқилиши белгиланди.

Таъкидлаб ўтдикки, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қондабузарликларини юзасидан тўғридан-тўғри жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилади. Бунда қондабузарликнинг тақрибасини инобатга олинмайди.

Агар қондалар қарор юзасидан шикоятни қуриб чиқиш жараёнида ушбу ҳуқуқбузарликни бошқа шахс томонидан содир этилганлиги аниқланганда, қарор бекор қилинади ва транспорт воситасини бошқариб, қондабузарликни содир этган шахсга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилади. Бунда қондабузарликнинг тақрибасини инобатга олинмайди, мазкур ишни қайта қуриб чиқиш пайтда бошқа шахсга маъмурий баённома расмийлаштирилса тақрибасини инобатга олинмайди.

— Ушбу янгиликларни ҳаётга жорий этиш, ҳаракат иштирокчиларига тушинтириш буйича қандай чора-тадбирлар қўрилаётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Қонун қабул қилинган кундан эътиборан омвий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда тарғибот ишлари олиб борилмақда. Бундан ташқари маҳалларда, меҳнат жамоаларида ўтказилаётган учрашув ва суҳбатлар чоғида ҳам янги тизимнинг афзалликлари, Қонунга киритилган қўшимча ва ўзгаришлар ҳаракат иштирокчиларига тушинтириб борилаётган. Ҳаракат иштирокчилари унутмасликларига керакки Қонунлар қимми-дари жазолаш учун эмас, балки йўлларимизда хавфсизликни таъминлаш мақсадида қабул қилинган. Унинг ижросини таъминлаш эса ҳар биримизга боғлиқ.

Суҳбатни Мансуржон РИХСИЕВ ёзиб олди

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БАЪЗИ ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАР НОМЛАРИНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 41-сон, 448-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида"ги 295-сонли ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2012 йил, 41-42-сон, 483-модда) қарори, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 24 октябрдаги 845-сонли қарорига мувофиқ, Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари буйича Тошкент шаҳар комиссиясининг ҳуло-қасига асосан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари буйича шаҳар комиссиясининг буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули номини Тошкент шаҳрида абадийлаштириш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.
2. Мирзо Улуғбек ва Яшнобод туманлари ҳудудида жойлашган Тараққиёт кўчаси ўрнига буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули номи берилсин.
3. Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ф.Расулов), Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Каримов), Ички ишлар бош бошқармаси (Б.Курбанов), туман ҳокимликлари, ҳокимлик тизимидаги бошқарма, ташкилот ва муассасалар:
Кўчага янги ном берилиши муносабати билан тегишли ишларни амалга ошириш юзасидан 1 ойлик муддатда белгиланган тартибда зарур чоралар қўрилсин ҳамда ҳужжатларга тегишли ўзгаришлар киритилсин.
4. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.
5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга қиради.
6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари буйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Р.Усманов

2017 йил 1 март

БАҲОР — ДЎСТЛИК АЙЁМИ

Дўстлик, биродарлик туйғулари олдида тил, миллат, масофа тўсиқ бўлолмайди. У дилларни, элларни ўзаро боғлайди.

"Наврўз" ҳамда "Мартеница" байрамлари муносабати билан "Ўзбекистон — Болгария" дўстлик жамиятида бўлиб ўтган маданий тадбирда бу яна бир бор ўз ифодасини топди. Унда Болгария Республикасининг Муваққат ишлар вакили Г.Проданов, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши раиси М.Ҳожиматов ва бошқалар мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстлик муносабатлари, sanoat, транспорт коммуникациялари, туризм, маданият каби соҳалардаги самарали ҳамкорлик хусусида сўзлади.

1998 йилда ташкил этилган "Ўзбекистон — Болгария" дўстлик жамияти икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда, маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамламоқда.

Бугунги таркибий ўзгаришлар ва ишбилармонлик муҳити Ўзбекистоннинг янада тараққий этишида муҳим омил бўлаётгани, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб бораётгани қайд этилди. 2016 йил май ойида Болгария Республикаси Бош вазири Бойко Борисов ташири доирасида "Ангрен" эркин иқтисодий зонасида юқори технологияли "ЎзПростаойл" қўшма корхонаси очилди. Сентябрь ойида Тошкентда Болгариянинг "Another Point Adviser Co. Ltd" компанияси билан ушбу мамлакатда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ваколатхонасини очиб тўғрисида шартнома имзоланди. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик изчил давом этмоқда.

Тадбирда икки халқнинг миллий куй-қўшиқлари янгради, саҳна кўринишлари намойиш этилди.

<

11-12 март — умумхалқ ҳашари куни

Ўлкамизга фасллар келинчаги баҳор ўз сепини ёйди. Рост гап, ҳаммамиз кўкламни соғиндик. Халқимиз — азал-азалдан меҳнатсевар. Баҳор келиши билан, биринчи навбатда, ўзи истиқомат қилаётган уйини, маҳалласини, ишхонасини яна бир бор назардан ўтказиш, ободонлаштириш, тозалашка эътибор беради. Айниқса, Наврўзи олам арафасида жойларда ҳашарлар уюштирилиши хайрли одат тусига кирган.

Шунга гувоҳ бўлдики, шаҳримизда ҳам баҳор ва янгиликни байрами арафасида кенг қамровли ободонлаштириш, кўчаларнинг яшилари олиб борилмоқда. Бироқ айрим-айрим локаторлар билан бўлган ҳашарларнинг ҳаёти талаб даражасида эмас.

Сафаримизни Миробод туманидан бошладик.

Меҳржон кўчасида жойлашган Миробод электр тармоқлари корхонаси чиройли таъмирланганлиги билан эътиборингизни тортди. Фуркат номи маҳалла ҳудудидаги харбий академик лицей ёнидаги 12-уйнинг йўлакларини тоза. Бироқ болалар майдончасининг ҳолати талаб даражасида эмас.

“Янгизамон” маҳалласи 11-уй, 36-хонадонда 15 йилдан бери яшайман, — дейди Мирзабек Матниёзов, — ширкат фаолияти — қоникарли, аҳоли — аҳил. Бироқ 11-уй атрофида шох-шаббаларнинг уюлиб қолганлигига бизнинг ҳам лоқайдлигимиз сабаб.

Сайхун кўчасидаги 11- ва 12-уйлар атрофида бетон қолдиқлари йиғилиб қолган. Ҳеч ким уларни олиб чиқиб кетмайди.

“Наврўз” маҳалласидаги 3-уйнинг иккинчи йўлакдаги ҳолат ҳам киши гашини келтиради. Ширкат ўз вази-фасини етарлича баҳармаётганлиги аён бўлиб турибди.

“Янги Кўйлик” маҳалласидаги 1-, 2-, 5-, 7-уйлар атрофида бўлганмишда баҳри-дилмиш оқилди.

Мирободдан Яшнобод туманига ўтамиз.

Фарғона йўли кўчаси бўйлаб ҳаракатланамиш. Яшнободдаги “Панельний” деган жойга келдик. Бир пайтлар анча қаровисиз аҳолида бўлган бу ҳудуд ҳозир кўркамлашиб қолган. Йўллар атрофлари озода, чинидай қилиб қўйилган. “Уйсозлар” маҳалласи ҳудудидаги 43-уй орасида ахлат уюмлари кўзга ташланади. 42-ханда 43-уйлар атрофидаги ариқ лотоклари чинидайгина тўла. Худди шунингдек, Оханграбо кўчасидаги JOYD корхонаси олди бир аҳолида.

40-уйнинг 7-йўлакдаги бўёқлар кўчиб кетган, йўлаклар таъмирталаб. 43-ханда 45-уйлар атрофидаги болалар майдончаси талаб даражасида эмас. Баъзи уйлар рақамланмаган ҳам. Четдан келган одамлар нечаники ўи эканлигини билонмай, сарсон бўлади.

“Уйсозлар” маҳалласида 32 та кўп қаватли уйлар мавжуд, — дейди маҳалла оқсоқоли Мамасоли Йўлдо-

шев, — 5 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Байрам олди тозалик, ободонлаштириш ишларига эътибор беряпмиз. Ширкатлар ўзларига қарашли уйлар атрофини тозалаяпти.

Бектемир туманидаги “Зилола” маҳалласидаги 75-уй олдидаги болалар майдончаси киши ҳавасини келтиради.

— Шу маҳалладаги 75-уйда истиқомат қиламан, — дейди пенсионер

уй олди қоникарли аҳолида бўлса-да, яшовчиларнинг айтишича, лифт яхши ишламайди. Тез-тез бузилиб туради. 18-уй олдида ёгон чинкидилари йиғилиб қолган. “Эзгулик” маҳалласидаги 12-уйнинг 5- ва 6-йўлакларини чиройли таъмирланганлиги билан ажралиб туради. 2-, 3- ва 16-уйларнинг атрофи ҳам озода, яшнаб турибди.

Сергелидан Яқасарой туманига ўтамиз. Тумандаги “Ракат” маҳалла-



ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ: ШАҲРИМИЗ ОБОДЛИГИГА ҚАНДАЙ ҲИССА ҚўШАЯПМИЗ?

Хурсаной Ражабова. — Шароитимиздан нолимаймиз, иссиқ сув — бор. Ҳамжihatлиқда ободонлаштириш ишларига ҳам эътибор қаратилади.

“Истикбол” маҳалласидаги 32А-уй олдида жойлашган болалар майдончаси эса — таъмирталаб.

Хусайн Бойқаро номи маҳаллага қарашли Билал Нозим кўчаси 119-уйнинг биринчи йўлаги бир аҳолида экан. Ажабланири томони шуки, халигача бу йўларга кодли қулфлар етиб келмаган ҳам. Айрим кириш йўлакларини устига машина гилдиракларини қўйилган.

Хабарингиз бор, Сергели тумани бугун улкан қурилишлар майдонига айланган. Илгариги тахтадан қурилган кўрмисиз уйлар ўрнига бугун янги, замонавий уйлар барпо этиляпти, Олмазор бекатидан Сергелига метронинг янги йўналиши қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Ободончилик ишлари ҳам аллақончо бошлаб юборилган.

Аммо айрим маҳаллалардаги аҳоли дилни хира қилади. Масалан, “Маданият” маҳалласи ҳудудидаги 11-уйнинг 5-йўлакда бетон бўлақлари уюлиб қолган.

“Шукрона” маҳалласидамиш. Маҳаллада ободонлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Тозалик, орас-талиқ кўзга ташланади.

Сергели туманидаги Қурувчилар мавзесида жойлашган “Хонобод” маҳалласига йўл оламиз. Бу ерда, асосан, 9 қаватли уйлар жойлашган. 9-

сини кўпчилик яхши билади. Бироқ бу ерда ҳам дилмиш хира бўлди. 5-уй олдида ўтар эканмиш, чинкидиларни тўпланиб турганлигига кўзимиз тушди. Жамшид Шоший кўчасидаги 3-уйнинг атрофи ҳам — ахлат уюмлари билан тўла.

Юнус Ражабий номи маҳалла ҳудудидаги 5- ва 64-уйлар йўлакларини чинидай тоза қилиб қўйилган. 250-мактабгача таълим муассасаси атрофи ҳам ораста.

Чилонзор туманида 51 та маҳалла мавжуд. Кўп қаватли уйлар мингдан ошади. Чилонзорликлар ҳам ободонлаштириш ишларига барвақт киришибди. Чилонзор кўчаси бўйлаб юриб, “Катта Чилонзор” — 1 маҳалласига қарашли кўп қаватли уйлар атрофини кўздан кечирамиз. 11-, 37-уйлар атрофида шох-шаббалар йиғилиб қолганлиги худуд кўрсадики бузилиб турибди. Уй деворига: “Машиий чинкидиларни белгилашган тугига ташланг”, — деб ёзиб қўйилган бўлса-да, бироқ айрим фуқаролар бунга амал қилмас экан.

Чилонзор мавзесининг 17-дахасидаги янги қурилган 28- ва 29-уйлар эътиборимизни тортди. Жуда шинам.

— Бу уйлар 2015 йили қурилган, ўзим 28-уйнинг 2-хонадонда яшайман, — дейди Маъмура Аҳмеджонова.

— Уйимизга хизмат кўрсатаётган “Барак коммуналчи”, ХУЖМШ фаолиятдан ҳам миннатдорим. Бундай шинам, замонавий уйларда истиқомат қилаётганимиздан бахтиримиз.

Учтепа туманида сафаримизни давом эттираемиз. Чилонзор мавзесининг 11-дахасидаги гаражлар атрофидаги хунук маназаралар, албатта, кишига хуш кайфият бағишламайди. 15-дахдаги 2- ва 3-уйлар ёнида шох-шаббалар қалашиб ётибди. 24-дахда жойлашган “Ватанпарвар” маҳалласида ҳам бўлди. 32- ва 33-уйлар атрофидаги болалар майдончаси кўнгилдагидек қуриб берилган. Аммо “Олмос” тўйхонасининг орқа томонида битта “Камаз” машинасига синадиган даражада чинкиди мавжуд. Нахотки, тўйхона эгаларининг бу хунук манзаранинг олдини олишга қурби етмаса?

— Маҳалламизда 27 та кўп қаватли уй бор. 7 та ширкат фаолият олиб боради, — дейди “Ватанпарвар” маҳалласи фуқаролари йиғини раиси Мамлакат Хамидова. — Худудимизда 5 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Битта тўйхона. 3 та кафе, дорихона, савдо дўконлари мавжуд. Наврўз байрами муносабати билан ободонлаштириш ишлари эълон қилинди.

Олмазор туманига ҳам етиб келдик. Бу шаҳримиздаги энг кўп аҳоли яшайдиган туманлардан бири.

Туманда кенг қамровли қурилиш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Айниқса, баҳор келиши билан туман ободонлаштириш бошқармаси ходимларининг иши қизиган. Бошқарма томонидан 48 та асосий кўча, 500 га яқин ички кўча назоратга олинган.

Бироқ Қорақамиш-2/1 мавзесида ноҳус манзараларга дуч келдик. Жумладан, 13-, 15-, 16- ва 18-уйларнинг фасад қисми кўчиб кетган, эшик қолдиқлари кўзга ташланади. Гаражлар атрофида ҳам ҳолат яхши эмас.

“Истикбол” маҳалласи фуқаролари йиғини атрофида ҳам чинкидилар уюб ташланган. Маълум бўлишича, маҳаллада 24 та кўп қаватли уй бўлиб, уларда 6 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 18-уйнинг учинчи йўлаги қоникарли аҳолида бўлса-да, уйнинг ён томони чинкидиҳонага айланган. Шу уйда яшовчиларнинг айтишича, Катта Учки кўчаси ҳам таъмирталаб бўлиб қолган.

Қорасарой кўчаси чорраҳасидан Чорсу томонга кетаяверишда 28-умумтаълим мактаби жойлашган. Шанба куни бўлгани учун ўқувчиларнинг мактаб атрофини тозалаштаётганини кўриб, ҳурсанд бўлдик.

— Мактабимиз ҳудуди ва атрофини доимо тоза сақлашга, ободонлаштиришга алоҳида эътибор берамиз, — дейди мактаб директори Малика Азимова. — Ҳозир гуллар экишга ёрни тайёрляпмиз, даракт кўчатлари ўтказамиз.

Шайхонтоҳур туманидаги “Шайхонтоҳур” маҳалласида жойлашган 19-умумтаълим мактаби ёнида қизгин иш жараёнининг устидан чиқдик. “Тошис-сиккувати” корхонаси томонидан ис-сиклик ва иссиқ сув етказиб беришни яхшилаш мақсадида локал қозонхона қурилётган экан.

— Бу қозонхона 7 та кўп қаватли

уйга хизмат қилади, — дейди корхона раҳбари Икром Исҳоқов.

“Хадра” маҳалласидаги 461-сонли мактабгача таълим муассасасида кўркамлик сезилади. Бироқ шу маҳаллада яна бир қарама-қарши манзаранинг шохиди бўлди. Кўп қаватли 24-уй атрофида сунъий равишда чинкидиҳона вужудга келган.

Юнусобод туманида ҳам кўп хайрли ишларнинг гувоҳи бўлдик. Хусусан, Юнусобод мавзесининг 19-дахасида жойлашган Увайсий номи маҳаллада кенг ҳажмдаги қурилиш, бунёдкорлик, ободончилик ишлари олиб борилаётган экан. Бу ерда янги маҳалла гузари барпо этилмоқда.

Увайсий маҳалласи фуқаролари йиғини раиси Дилшод Маҳбубовнинг айтишича, маҳаллада 13 та кўп қаватли уй бўлиб, уларга 7 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатади. Бу ҳудудда 5 минг 411 нафар аҳоли истиқомат қилади. Режали ишлар самарали бўлади, деганларидек, 4- ва 6-уйларнинг фасадлари таъмирланмоқда. Эски бинолар бузиб ташланиб, ўрнига замонавий савдо шохобчалари қуриляпти. Чинобод кўчасидаги 1-уй атрофини арчалар безаган. Афсоки, Ниёзбош йўли кўчасидаги лотоклар чинкидилар билан тўлиб қолган.

Мирзо Улугбек туманидаги Ҳамид Олимжон номи маҳалла ҳудудидаги уйлар атрофини қуриб, хурсанд бўлдик. Аммо айрим уйлар деворларига чизиб ташланганлиги таъминнинг хира қилди. Қорни Ниёзий кўчаси-

Зийрак бобога Зокиржон Шарифжонов, Ислом Исмоилов, Қобил Ғофуров ҳамроҳлик қилди

... ДИЛНИ ХИРА ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР



Мирзо Улугбек тумани “Дархон” маҳалласидаги 8-уй атрофи озода.



Чилонзор тумани “Ботирийев” маҳалласидаги 28 ва 29-уйлар олдидаги болалар майдончаси.



Сергели тумани “Эзгулик” маҳалласидаги 12-уйнинг 5 йўлаги.




Миробод тумани “Кўйлик” маҳалласидаги 7-уй олдидаги болалар майдончаси.



Бектемир тумани “Зилола” маҳалласидаги 75-уй олдидаги болалар майдончаси.



Шайхонтоҳур тумани “Коратощ” маҳалласидаги 12-уйнинг 1-йўлаги.



Яқасарой тумани Юнус Ражабий номи маҳалладаги 5-уйнинг йўлаги.



Учтепа тумани Катта хирмонтепа кўчасидаги фусункорлик.



Яшнобод тумани “Ўрта масжид” маҳалласидаги 1-уй олдидаги болалар майдончаси.



Мирзо Улугбек тумани Ҳамид Олимжон номи маҳалладаги 5-уй олдидаги ноҳус манзара.



Миробод тумани “Наврўз” маҳалласи ҳудудидаги 6-уй олдидаги тартибсизлик.



Шайхонтоҳур тумани “Хадра” маҳалласидаги 24-уй олдидаги қаровисиз ҳолат.




Яшнобод тумани “JOYD” корхонаси олдида уюлиб қолган чинкидилар.




Чилонзор тумани “Катта Чилонзор” маҳалласи 37 ва 47-уйлар атрофидаги аҳоли.




Олмазор тумани “Истикбол” маҳалласи ҳудудидаги ачинарли ҳолат.




Яқасарой тумани “Ракат” маҳалласи 5-уй олдидаги чинкидилар.




Мирзо Улугбек тумани Ҳамид Олимжон номи маҳалладаги 5-уй олдидаги ноҳус манзара.



Миробод тумани “Наврўз” маҳалласи ҳудудидаги тартибсизлик.



Шайхонтоҳур тумани “Хадра” маҳалласидаги 24-уй олдидаги қаровисиз ҳолат.



Бектемир тумани Хусайн Бойқаро кўчаси 119-уйнинг биринчи йўлакдаги аҳоли.

Чилонзор тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДА 2017 ЙИЛ УЧУН ҲАҚ ТўЛАНДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТўҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги “Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўлаими, 1999 йил № 7, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан “ишсиз” деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида, шунингдек туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг 2017 йил 6 февралдаги 156-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- 1. Чилонзор туманида 2017 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш учун корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқланган.
2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш учун корхона, ташкилотлар раҳбарларига: иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳаражатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш бевуричлар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан, бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш бевуричлар маблағлари ҳисобидан 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларни жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (С.Норқолиев): корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Туман ҳокимлигининг Ташкилий-назорат гуруҳи (Д.Холдоров) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Компьютерлаштириш маркази” ДУКнинг Чилонзор туман тармок администратори (Р.Исраилов):

Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.chilonzor.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қучга кирди.

6. Чилонзор туман ҳокимининг 2016 йил 21 январдаги “Чилонзор туманида 2016 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги 22-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Далабаев зиммасига юклансин.

Чилонзор тумани ҳокими Т.Мирҳидоятлов

2017 йил 20 февраль

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

Олмазор туманидаги “Аёллар маслаҳат маркази”да “Аёл тинчлик тимсоли” мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви бош мутахассиси Омилла Арипова, шаҳар бош отиёничи Каромат Тиллаева, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлини-маси бош мутахассиси Лола Мирсоатова ва маҳалла маслаҳатчилари, фаол аёллар иштирок этди.

Мамакатимизда аёлни угуллаш, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, муносиб ҳаёт шароитини яратиш, оғирини енгил қилиш давлат сисёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Зеро, жамият ҳаётининг турли жаҳалларини раванқ топтириш, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини юксалтириш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда хотин-қизларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Тадбир аввалида марказ фаолияти ҳақидаги слайд намоиши этилди. Эл севган санъаткор Гавҳар Зокирова вафо, садақот ҳақида шеър ва монолог айтган бўлса, марказ раҳбари Дилдора Таджибоева марказ фаолияти, яратилган шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтди. Марказда доимо иштирок этиб келаётган фаол аёлларга фахрий ёрликлар топширилди.

— Мутахассислар, психологлар, шифокорлар, ҳуқуқшунос-лар иштирокида ташкил этиладиган маърифий суҳбатлар, семинар-тренингларга тингловчилар катта қизиқиш билан қатнашди, — дейди марказ раҳбари Д.Таджибоева. — Машгулотлар, давра суҳбатлари самимий руҳда ўтиши учун ёши улғу онахонларнинг фаол иштирокига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Марказ фаолиятдан қўлланган асосий мақсад оила-ларни мустаҳкамлаш, маънавий кўмакка муҳтож хотин-қизларга мадад кўрсатиш, турли чигал масалаларни ҳал этишда яқиндан ёрдамлашишдан иборатдир.

Тадбир қатнашчилари ўзларини фикр-мулоҳазаларини билдириб, бир олам таассуротлар тақдим этган ташкилотчиларга миннатдорчилик билдиришди.

Зарина РУСТАМОВА

Мамлакатимизда инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, болалар, оналар, кексаларнинг соғлом бўлиши ва уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда кенг қамровли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ташаббуси билан корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, ишловчи ходимларни турли касб касалликларидан спорт ва соғлом турмуш тарзи орқали ҳимоя қилиш мақсадида Тошкент давлат Молия институтининг спорт-соғломлаштириш мажмуасида шахар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан меҳнат жамоаларида сийқидилдан хизмат қилаётган ишчи-ҳодимлар ўртасида "Спорт - саломатлик гарови" спартакиада ўтказилди.

— Мана бир неча йиллардан буён "Спорт — саломатлик гарови" шиори остида спартакиадалар ўтказиб келинмоқда, — дейди Тошкент шахар касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим mudiri Ирода Ҳикматова. — Биринчи босқичи корхона, ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимлар ўртасида, иккинчи босқичи туманлараро, учинчи босқич эса Тошкент шахар босқичи миқёсида ўтказилаётди. Авваламбор, бу спартакиада ишчи-ҳодимларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, ёшларни, аёлларни спортга қизиқишларини юқори даражага кўтаришга хизмат қилади. Иштирокчилар хоҳ шифокор, хоҳ ўқитувчи, хоҳ, чевар бўлсин бир жамоа бўлиб спортнинг 6 тури бўйича ўз маҳоратларини кўрсатишади.

— Бугунги мусобақада биз спортнинг волейбол тури бўйича иштирок этдик, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 59-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Умида Бахромова. — Спорт доимо бизга ҳамроҳ, бўш вақтларимизда мана шундай спорт мусобақаларида иштирок этиб борамиз.

Ўз навбатида, пойтахт касба уюшмалари томонидан ҳам меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва оммавий спорт турларини кенг тарғиб қилиш орқали спортга жалб этиш, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш, меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор спорт мусобақаларини ўтказиш яхши аънаънага айланган.

Тадбир якунида голибларга Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ш.ЗОКИРОВ

ЁШ МУТАХАССИСЛАРГА КЎМАК



Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида "Ёш мутахассис - 2017" меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

Битирувчиларни иш билан таъминлаш мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Ёшларга ўзи учун муносиб иш топиш, иш бериувчиларга малакали мутахассисларни танлаш имконини берган бўш иш ўринлари ярмаркасида турли идора ва ташкилотлар, таълим муассасалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йиғилиши бўлиб ўтган мутахассисларни иш билан таъминлаш ва уларга ҳар томонлама имкониятлар яратиш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тадбир аввалида сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий университети проректори Илёс Раҳматуллаев, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Кадрлар тайёрлаш бosh бошқармаси бошлиғи ўринбосари Барно Ражабов ва бошқалар мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган исчилик ислохотлар меҳнат бозорига талаб юқори бўлган малакали мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтти. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни

бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Тадбирда қатор вазирликлар, корхона, ташкилот, муассасалар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шахар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларидан ташриф буюрган мутахассисларнинг битирувчи курс талабаларини бўш иш ўринлари, ёш мутахассисларга яратилаётган имкониятлар билан таништирилди.

— Меҳнат ярмаркасида талабалар иш бериувчи корхоналар ва муассасаларнинг вакиллари билан ўз мутахассислиги бўйича мулоқот ўтказиш, ўзларини қизиқтирган барча саволларига атрафлича жавоблар олдилар, — дейди Ўзбекистон Миллий университети маркетинг ва битирувчиларни ишга жойлаштириш бўлими катта инспектори Зухриддин Маликов. — Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бу йил ЎзМУнинг биология, геология ва география, журналистика, ижтимоий фанлар, иқтисодиёт, кимё, математика, тарих, физика, хорижий филология факультетларининг бакалаврият босқичини 1545 нафар, магистратура босқичини 421 нафар ёш мутахассислар тамомлайдилар. Университетимиздан шу кунгача ети-

шиб чиққан қўллаб мутахассислар ўз соҳаларида фаол меҳнат қилишмоқда. Улар сафига бу йил ҳам янада етук кадрлар қўшилишига умид қилиб қоламиз.

Ярмарка талабаларда катта қизиқиш уйғотди. Уларни сўхбатга чорладик.

— Мазкур ярмаркада ташкил этилган бўш иш ўринлари билан танишиб чиқдим, — дейди журналистика факультетининг 4-босқич талабаси Гулшоҳа Жуманиёзова. — Битирувчилар учун яратилган бундай имкониятдан маннундим. Ўзим Хо-разм вилоятида туғилиб, ўсганим боис, "Туркистон" газетасининг Хо-разм вилояти мухбирлигига бўш жой борлиги мен учун айна мудоао бўлди. Устоз-мураббийлардан олган назарий билимларимизни амалиётда мустаҳкамлаш мақсадида газеталарда мақолаларим билан қатнашиб келганман.

— Бугун ҳар бир йигит-қиз ўзи хоҳлаган олий ўқув юртида ўқиши, билимини янада мустаҳкамлаши, замонвий ахборот технологиялари сир-асрорини чуқур ўрганиши, замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши ва касб-хунар эгаллаши учун барча имкониятларга эга, — дейди хорижий филология факультети битирувчиси Матлуба Саъдуллаева. — Иш бериувчилар билан мутахассислигим бўйича ўзимни қизиқтирган барча саволларга атрафлича жавоб олдим. Инглиз тилини билиш талаб этилган бўш иш ўринлари эътиборимни тортди. Ўзим яшайдиган тумандаги мактабда бўш иш ўрни борлиги менга маъқул бўлди.

Ярмаркада иш бериувчилар билан битирувчилар ўртасида бевосита мулоқот ва шартномаларни расмийлаштириш ишлари олиб борилди. Битирувчилар ўз мутахассислиги ва қизиқиши бўйича турли ташкилот ва таълим муассасалари билан шартномалар имзолади.

Меҳнат ярмаркаси давомида қатор корхона вакиллари қўллаб-талабалар билан меҳнат шартномаларини имзоладилар.

Ўтказилаётган бундай тадбирлар албатта, ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис кадр бўлиб етишиб чиқишига ва ишга жойлашиш имконини яратишга хизмат қилади.

Зиёда РАСУЛОВА

"101"

ЛОҚАЙД БЎЛМАНГ!

Кундан-кунга гуллаб-яшнаб бораётган мамлакатимиз, шу жумладан пойтахтимизнинг янада чирой очишига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг олдимиздаги бурчдир. Ўзимиз, яқинларимиз ва уй-жойимизни ёнғин офатидан сақлаш ҳам шу йўлдаги ҳаракатлардан саналади.

Айниқса, газ ёки электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганларича туза-тиш, қаровсиз қолдириш, бефарқлик, умуман ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари ёнғинга сабаб бўлувчи омиллардан. Фуқароларимиз аксарият ҳолларда шу каби хавфсизлик қоидаларини билишсади, лекин етарлича эътибор қилишмайди. Айримлар хатто кўра-била туриб қоидаларни бузишади, гўёки бу уларга тааллуқли эмасдек. Оқибатда эса ёнғин содир бўлиб, катта зарар келтириши мумкин.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ана шундай фалокатларнинг олдини олиш мақсадида кишиларнинг хонадонларига бориб, ёнғинга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаб, бартараф этишга катта аҳамият қаратишмоқда. Шунингдек, жойларда аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, бу борадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича йўриқномалар ва кўрсатмалар ҳам бериб келишмоқда.

А.СУЛЕЙМАНОВ, 14-ХЕХ АП инспектори, сержант

Мамлакатимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида соҳа вакиллари бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда қўллаб-тадбирларни амалга оширмоқда.

Аҳоли турар жойларида фуқаролар билан учрашувлар, сўхбатлар, амалий машғулотлар ўтказилиши, тарғиб-ташвиқот ва бошқа тадбирларнинг ташкил этилиши шулар жумласидан. Ушбу тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини кўрсатаётди.

Дано халқимизда ўт балосидан, сув балосидан асра-син, деган нақл бор. Унинг туб маъноси ёнғиннинг "тил-сиз ёв" ақалини, қутилмаганда, тўсатдан юз бериувчи бу офатнинг ноҳус оқибатларга олиб келишига ва бундан доимо эҳтиёт бўлиш лозимлигига ишорадир.

Афсуски, амалга оширилаётган савий-ҳаракатларга қарамастан, айрим кишилар онгда "бу менга тааллуқли эмас", "мен билан бундай бўлмайди", деган қарашлар ҳали ҳам мавжуд. Ёнғин шундай офатки, уни қачон ва қаерда пайдо бўлишини ҳеч ким бил-майди, у қутилмаганда, "чақирилмаган меҳмон" синга-ри тўсатдан пайдо бўлади ва инсонлар ҳаётига "чан-гал" солади. Ёнғинга қарши курашишнинг энг яхши йўли бу — унинг олдини олишдир. Зеро, ёнғинни ўчи-рган кўра унинг олдини олган афзал. Бунинг учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига доимо ва қатъий риоя этиш зарур, чунки, ёнғин хавфсизлиги сал бўлса-да сусайса, унда ёнғин келиб чиқши хавфи яна ошади.

Таълим муассасаларида ёнғин хавфсизлигини таъ-минлашда ва фақултда вазиятларда олдини олишда бу эвакуация йўлларининг мезъёрий ҳужжатлар талаб-ларига жавоб бера олишдир.

Ёнғин юз бериши эҳтимолини камайтириш учун ёшларни ёнғин хавфсизлиги асосларига тайёрлаб чи-қиш лозим. Ёнғин хавфсизлигига доир ва фақултда вазиятларнинг олдини олиш тўғрисида билимларни мактабга таълим муассасаларидан бошлаб то олий таълим муассасалари тингловчиларига қадар таълим олиш даврида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги дарсларида мунтазам ўргатиб бориш зарур.

Бунинг учун бизда барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Улардан кенг фойдаланган ҳолда, ёшларни ёнғин хавфсизлигига кенг қўламда ва мунтазам ўрга-тиб бориш уларнинг ҳаётларида хавфсизликларини таъ-минлашга замин яратган бўлар эди.

Абдуллоҳ АХРОРОВ, Жаҳонгир ОРИПОВ Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХОТМ 5-босқич курсантери

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика уни-верситети ректорати ва жамоат ташкилотлари Ўзбеки-стон Республикаси Фанлар академияси Кибернетика илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлим mudiri, профессор

Маҳаммадсолиҳ Раҳимбаев ДАМИНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шахрида 10 март кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғинга келиши бўлмайди. Кечаси ва эртабда туман тушиши мумкин. Ҳарбад секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кеча-дунотига кўра, 10 мартда Тошкент шахрининг об-ҳаво шароити шахар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имко-ният яратмайди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Спорт янгилклари

ВИРТУАЛ СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ОММАЛАШМОҚДА

Ўзбекистон киберфутбол ассоциацияси ўз номини Виртуал спорт ўйинлари ва киберфутбол федерациясига ўзгартирди.

Ушбу ташкилот виртуал спорт ўйинларини оммалашти-риш, мусобақа ва чемпионат-лар ташкил қилиш билан шу-гулланади.

Дунёдаги биринчи киберфут-бол ассоциацияси нодавлат но-тихорат ташкилоти Ўзбекистон-да яратилган алоҳида эътиборга лойиқдир. Ассоциа-

ция ўз фаолиятини киберспорт бўйича ESWC жаҳон чемпио-на-тида иштирок этиш билан бош-лади. Қисқа вақт мобайнида ташкилот катта муваффақият-ларга эришди. Ассоциация фа-лолатининг биринчи ойларида Ўзбекистон Футбол Федераци-ясининг расмий аъзосига ай-ланди. Ўзбекистоннинг йигир-

мага яқин футбол клублари ўз таркибига киберфутболчилар-ни қўшиб олди.

2016 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Футбол Федераци-яси Киберфутбол ассоциация-сининг жаҳондаги биринчи Профессонал футбол лигаси — PCFL лойиҳаси яратилиши маъқуллади. Ташкилотнинг энг ёрқин натижаларидан бири ки-берспорт мусобақалари учун Ўзбекистонда биринчи профес-сионал арена — UZ Arena очи-лиши бўлди.

БОКСИМИЗ РАҚИБНИ КУТМОҚДА

Жорий йилнинг 24 март кунини Америка Қўшма Штатларининг Флорида штати мезбонлик қиладиган катта бокс кечасида ўзбекистонлик энгилмас боксчи Ботирали Мамажонов рингга чиқадиغان бўлди.

Профессонал рингдаги фаолиятини ўтган йили бошлаган Ботирали Мамажонов АКШда ташкил этилган беллашуларда муваффақият-ли иштирок этиб келмоқда. Ўтган мавсумда ўзбекистонлик чарм кўлқоп устаси бешта жанг ўтказиб, уларнинг барчасида зафар қучди.

Ботирали Мамажонов америкалик боксчилар — Элвин Деви, Тахлик Тейлор, Ларри Харрисни

нокаутга учратган бўлса, Эвери Мак Фаттер ҳамда Кортез Ридни очколар ҳисобида мағлуб этди.

Айни пайтда Ботирали Мамажонов 24 март кунини бўладиган жангга пухта тайёргарлик кўрмоқда. Ҳозирча юртдошимизга қарши ким рингга чиқishi маълум эмас. Промоутерлар тез кунда муносиб рақиб номини эълон қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Наманганда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчи қизлари ўртасида гандбол бўйича мамлакат чемпионати бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахридан 14 жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро кўч синаш-ди. Ўз гуруҳида голиб чиққан жа-моалар баҳсларни ярим финал ўйинларида давом эттирди.

Самарқанд вилояти ганд-болчилари Тошкент шахри терма жамоасини 30:26, на-манганлик спортчилар эса ан-диджонлик тенгдошларини 32:29 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Финал ўйинларида майдон-га тушган Наманган ва Самар-қанд жамоалари ўртасидаги мусобақа 34:31 ҳисобида мез-бон жамоа гандболчи қизлари фойдасига ҳал бўлди. Тошкент шахри жамоаси Андижон вило-яти вакилларини 29:26 ҳисоби-да мағлубиятга учратиб, чем-пионат шохсупсининг учинчи поғонасидан ўрин эгаллади.

Ботир ХҲЖАЕВ

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шахри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Буюртма Г - 335

2007 йил 19 январда Тошкент шахар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 12959 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақлаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

1 2 3 4 5